

63.3
3-21

БУЮК СИЙМОЛАР

ШОВОСИЛ ЗИЕЛОВ



АБУ МАНСУР
МОТУРИДИЙ



00.3
3-21

БҲҮҮК СҲҲМҲҲЛҲР

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Абу Райхон Бериий номидаги
Шарқшунослик институти

ШОВОСИЛ ЗИЁДОВ

АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2012

УДК: 821.512.13(092) Абу Мансур Мотуридий
ББК 63.3(5Ў)4+86.38
3 21

Таҳрир ҳайъати:

Б. Абдураҳимов, С. Каримова, И. Шоймардонов

Тақризчи:

тарих фанлари номзоди Д. Раҳимжонов

Бисола буюк мутакаллим, мотуридийа калом мактаби асосчиси Абу Мансур Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган. Унда олим қаламига мансуб асарлар, шунингдек, алломанинг калом илмидаги буюк хизматлари кенг ёритилган.

Бисола ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий кенгашининг қарори асосида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-01-704-7

©«O'ZBEKISTON» НМИУ, 2012

АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ҲАЁТИ

Мовароуннаҳрда калом¹ илмининг ривожига Абу Мансур Мотуридийнинг хизматлари беқиёсдир. У асос солган таълимот кейинчалик Самарқанд калом мактаби доирасидан чиқиб, бутун ислом оламига тарқалган ва суннийликдаги икки йирик мактабнинг (ашъарий² билан биргаликда) бири сифатида танилди.

Мотуридийа таълимотининг моҳиятини, пайдо бўлиш сабабларини тушунмоқ учун, аввало, унинг асосчисининг ҳаётда ва жамиятда тутган мавқеини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, мотуридийа таълимоти XI асрдан бошлаб кенг оммага танила бошлади. Шу даврдан бошлаб Абу Мансур Мотуридий шахсига бўлган қизиқиш кучая бошлади. Натижада, буюк аллома вафотидан қарийб икки аср ўтгандан сўнг у ҳақидаги маълумотлар биографик адабиётларга киритила бошлади. Шу сабабли биографик адабиётларда Абу Мансур Мотуридий ҳақидаги мавжуд оз сонли маълумотлар бир асардан иккинчисига кўчиб юради.

Маълумотларга кўра, Абу Мансур Мотуридий Самарқанднинг Мотурид қишлоғида, тахминан 870 йилда таваллуд топган. Унинг тўлиқ исми Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир.

¹ *Калом илми (илм ал-калом)* — ўрта асрларда фалсафий-диний фикрларни, диннинг назарий асосларини ўрганиш, ислом ақидаларига (ақида — араб. «эътиқод қилинадиган тушунча», бирон-бир динга мансуб бўлган шахс учун мажбурий ҳисобланган, ҳар қандай шароитда муҳокамасиз бажарилиши лозим бўлган диний талаблар мажмуи) нисбатан ақлий мулоҳаза юргизиш жараёнидаги махсус билимлар тизими сифатида вужудга келди.

² *Абу Ҳасан Ашъарий* (ваф. 935) — биринчилардан бўлиб калом билан ислом ақидаларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилган.

Мотуридий ҳақида дастлабки биографик маълумотларни **Абу Муъин Насафий** (ваф. 1114) беради. У Самарқанд калом мактабини ўзининг «*Табсират адилла*» («Далиллар шарҳи») асарида тавсифлаган. У Мотуридийга етарли даражада эътибор ажратиб, унинг калом борасидаги илми ва фаолиятини эътироф қилган. Қарийб бир вақтнинг ўзида Насафийнинг замондоши **Абу Юсур Паздавий** (ваф. 1100) «*Китоб усул дин*» асарида Мотуридий ҳақида маълумотлар келтирган. Ушбу асарда кўпроқ мақтовлар ва алломанинг калом борасидаги фикрлари баён этилган. Шу каби дастлабки далиллардан сўнг мутакаллимнинг номи ва ҳаётига оид маълумотлар усмонийларнинг ҳанафий¹ табақот жанрида ёзилган асарларида учрайди. Бу маълумотлар қисқа бўлиб, Насафийнинг берган маълумотларига ҳеч қандай қўшимча киритмайди. Деярли барча манбаларда **Абу Мансур Мотуридий** вафот этган сана — 944 йил деб кўрсатилган.

Абу Мансур Мотуридий икки олим — **Абу Бакр Жузжоний** ва **Абу Наср Иёдийдан** таҳсил олгани манбаларда алоҳида қайд этилади, гарчи маълумотлар жуда оз бўлса-да, унинг бу олимлардан қайси соҳада ва нима ўргангани ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Мотуридийнинг илк устози **Абу Бакр Жузжоний** бўлиб, унинг Самарқанд ҳанафийа мактабини ривожлантиришдаги ўрни жуда катта бўлган. **Абу Муъин Насафий**нинг таъкидлашича, у ҳатто шу мактабга асос ҳам солган. Маълумки, **Абу Бакр Балхда** устози **Абу Сулаймон Жузжонийдан** илм олган. **Абу Сулаймон Жузжоний** ва **Абу Ҳафс Кабир Бухорий** (ваф. 832) Бағдодда **Абу Ҳанифа** ўқувчиларидан бўлган **Муқаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан** (ваф. 805) таҳсил олганлар. Шундан сўнг, юртларига қайтиб, ўз илмларини ёнганлар, ўз навбатида, Хуросон ва Мовароуннаҳрда **фиқҳ**² илмининг тарқалишида бу икки олимнинг

¹ **Абу Ҳанифа** (ваф. 767) — суннийликдаги ҳанафийа мазҳабининг асосчиси ва имоми, алоҳиётчи фақиҳлардан бири.

² **Фиқҳ** — ислам ҳуқуқшунослиги, мусулмонларнинг турмуш тарзи ва жамиятдаги барча ҳатти-ҳаракатлари шариат мезонларига мувофиқ келишини таъминловчи соҳа сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

хизматлари, шубҳасиз, беқиёсдир. Улар Самарқанддаги илмий муҳитга таъсир кўрсатганлар. Кўринадик, Абу Бакр Жузжонийни мутакаллим дейишга асосимиз йўқ. Шу боис Мотуридийнинг ундан калом соҳасида эмас, балки ҳанафийа фикҳи бўйича таҳсил олган, деб хулоса қилишимиз мумкин бўлади.

Бутунлай ўзгача ҳолатни Мотуридийнинг иккинчи устози бўлмиш Абу Наср Иёдийда кўриш мумкин. Абу Мансур Мотуридий устози Абу Насрдан бир қанча муддат дарс олган. Мотуридийнинг бу устози мутакаллим сифатида алоҳида мақомга эга бўлган. Лекин унинг илоҳиётчилик соҳасидаги билимлари исломда айтарли из қолдирган эмас.

Мотуридийга бу устозининг таъсири жуда катта бўлган. У Иёдийдан фақатгина ислом мезонларини ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, балки уни атрофлича қамраб олиш ва изчил таҳлил қилишни ўрганган. Иёдий уни ақлан фикр юритиб, илоҳиёт борасида мунозаралар олиб боришга ўргатади.

Абу Мансур Мотуридийнинг ҳаёти ўша вақтда Самарқандда ривожланган илоҳиёт илмининг иккинчи даврига тўғри келади. Мазкур даврда шаҳарда бир неча эътиборли мутакаллимлар гуруҳлари фаолият кўрсата бошлаган эди. Улардан донишмандлар (хукамо) гуруҳига мансуб Абу Қосим Ҳаким ас-Самарқандий ижоди жуда яхши ўрганилган. Иккинчи гуруҳга Абу Бакр Жузжоний мактаби намояндалари — Абу Абдуллоҳ ибн Абу Бакр Жузжоний, Абу Мансур Мотуридий, Абу Ҳасан Рустуфағний, Абу Салама Самарқандийларни киритиш мумкин. Учинчи гуруҳни эса Иёдийа — Абу Наср Иёдий ва унинг фарзандлари Абу Аҳмад Иёдий, Абу Бакр Иёдийлар ташкил этадилар. Улар орасидаги ўзаро баҳслар турли кўринишларда намоён бўлади ва калом илми ривожига таъсир қилади.

Манбаларда мутакаллимнинг шахсий мавқеи бир неча масалаларда ифодаланганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бир манбада келтирилган маълумот бу фикрни тасдиқлайди: «Абу Наср Иёдий ғозийларга ва аҳли илмга буюрар эди: ҳар жума кунлари суворий (от ёки эшак) миниб бозорларни айланинг ва сарой фойдасига ташвиқот қилинг, деб. Бироқ

бизнинг қадим солиҳ фақиҳларимиз — Абу Бакр ибн Исмоил Фақиҳ Самарқандий, Абу Ҳасан Фарро, Абу Мансур Мотуридий ва Абу Наср ибн Иброҳимлар бунӣ рад этардилар. Улар ва бошқа уламолар жума кунлари, агар оёқларида заифлик сезмасалар, суворий минмас эдилар». Бу муҳим хабар алломанинг икки жиҳати ҳақида маълумот беради. Биринчиси — аввалги бандни тасдиқловчи фикр бўлса, иккинчиси — унинг самарқандлик солиҳ фақиҳлар гуруҳига мансуб эканлигини кўрсатади.

Калом илмида мутакаллимларнинг мавқеларини ифода-лашда уларнинг ижтимоий-сиёсий масалалардаги қараш-лари муҳим роль ўйнайди. Ҳакимлар ҳокимият билан ҳамкорликни рад этишмаган, балки унинг вакиллари билан ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатганлар.

Масалан, Абу Ҳафс Насафий *«Китоб қанд фи зикри уламо Самарқанд»* асарида қуйидагиларни маълум қила-ди: «Абу Муҳаммад Абдул Азиз ибн Муҳаммад бундай дейди:

— Мен Абу Ҳасан Али ибн Сайид Рустуфағнийнинг қуйидаги сўзларини эшитдим:

— Солиҳ кишилардан бири тушида Абу Наср Иёдийни кўрди. Ул кишининг олдиларида бир лаганда гул ва бир лаганда шакар (*фонид*) бор эди. У (Абу Наср Иёдий) гул тўла лаганни Абу Қосим Ҳаким ас-Самарқандийга, шакар тўла лаганни эса Абу Мансур Мотуридийга узатдилар. Иккалалари ҳам Абу Наср Иёдийнинг шогирдлари бўлиб, Абу Мансур Мотуридий илми ҳақиқат ва Абу Қосим Ҳаким ас-Самарқандий эса илми ҳикматнинг билимдонлари бўлишди».

Абу Мансур Мотуридий вафотидан сўнг Самарқанд чеккасида жойлашган Чокардиза қабристонига дафн эти-лади. Бу ерга шаҳар аҳолиси, айниқса, унинг ўрта қатлам-лари орасида эътиборга молик уламолар дафн этиларди. Шу жумладан, Мотуридий, унинг сафдошлари ва шогирд-лари ҳам шу ерга дафн этилганлар. Солиҳ уламолар гуруҳини ўрганиш учун бу қабристон ва у билан боғлиқ бўлган маъ-лумотлар муҳим аҳамият касб этади.

Турк адмираши Сайид Али Раис ўзининг XVI асрда Осиё бўйлаб қилган саёҳати давомида, жумладан, Самарқанддаги

машҳур уламолар дафн этилган Чокардиза қабристонини зиёрат қилади. У ўз эсдаликларида Абу Мансур Мотуридий ва бир қанча машҳур шайхларнинг қабрларини зиёрат қилганини қайд этиб ўтади. XVIII ва XIX асрларда битилган «Самарийа» ва «Қандийа хурд» каби асарларда ҳам Чокардиза қабристони тасвирланган.

XX аср бошларида В.В. Бартольд (1920 йил) Самарқанд сафарида Чокардиза қабристонига бўлгани ва у ерда Мотуридий мақбарасини кўргани ҳақида баён этади. Шундан кейин Мотуридий мақбараси хусусида бошқа маълумотлар учрамайди.

Юз йиллар давомида фақиҳлар, шайхлар, уламолар дафн этилган Чокардиза қабристони кейинчалик шўролар даврида аҳоли пунктларига айлантирилди. Натижада, кўплаб қабртош ва қайроқлар йўқолиб кетди. Мустақиллик йилларида Мотуридий мақбарасини тиклаш жараёнида кўплаб фақиҳ ва уламоларнинг қабртошлари топилди.

Мотуридийнинг камтарин инсон бўлганлиги ҳақида турли ҳикоя ва ривоятлар битилган. Масалан, Абу Тоҳир-хожанинг Самарқанддаги муқаддас жойлар тавсифига бағишланган «Самарийа» асарида шундай ҳикоя қилинади: «Яна айтадиларким, Шайх бир куни боғда эди. Бағдод халифаси томонидан Шайхдан бир масалани сўрагани Самарқандга юборилган элчи келиб, боғ эшигини қоқади. Шайх йиртиқ кийим кийган ҳолда чиқади.

Элчи: «Мавлоно қайдадир?» — деб сўрайди.

Шайх: «Мавлоно Тангридир», — деб жавоб беради.

Тағин элчи: «Хожа қайдадир?» — деб сўрайди.

Шайх: «Хожа Мустафодир», — деб жавоб қайтаради.

Яна элчи: — «Абу Мансур қайдадир?» — деб сўради.

Абу Мансур: «Ушбу кекса тиланчи», — деб ўзини кўрсатди».

Демак, бу жанрда ёзилган асарларда ҳам Мотуридий камтарин инсон сифатида тасвирланган.

X асрда Самарқандда фаолият олиб борган уламолар ижтимоий ҳаётда турли мавқеларда турган гуруҳлардан иборат бўлган. Шулардан солиҳ уламолар гуруҳига шаҳар

аҳолисининг ўрта табақалари томонидан қўллаб-қувватланганлар. Бу бооброў олимлар ўрта табақа манфаатларини ҳимоя қилиб, асосан, Чокардиза қабристонида дафн этилганлар.

МОТУРИДИЙ ТАЪЛИМОТИ

Мотуридий эътиқод масаласида, авваламбор, Абу Ҳанифа таълимотига суянган. Маълумки, Абу Ҳанифа икки соҳа — фикр ва ақидага оид йирик мерос қолдирган. Мотуридий Абу Ҳанифа таълимотига суянган ҳолда, замон талабидан келиб чиқиб, уни тараққий эттирди ва исломнинг эътиқодий асосларини қайта ишлаб чиқди. У ўзининг кўпгина фикрларини «*Китоб ат-тавҳид*» асарида баён этар экан, хусусан, ўзга тоифадаги фирқаларга қарши шундай сўзларни айтади: «*Улар тафаккур ва тадқиқ билан қарасалар эди, Аллоҳ таоло ҳам бандаларини тафаккур ва тадқиқот, ибрат ва тажриба билан иш қилишга буюргангани тушунар эдилар, ибрат ва тафаккур эса илм манбаларидан биридир*».

Мотуридий таълимотининг рационал мағзи — маълумотларни қабул қилишда муътазилийлар¹ каби фақат ақлга суяниш эмас, балки ақл билан нақлни² қўшиб фойдаланишнинг зарурлигидир. Абу Мансур Мотуридий ўз мактаб анъаналари ва илмий асарлари билан Мовароуннаҳр ислом илмий мактабининг ривожланишига катта улуш қўшди. Илмий илмлари тўла шаклланиб, такомилига етишида уларни қайта ишлаб чиқиб, маълум тизимга солди. Шунингдек, у ҳанафийликнинг Мовароуннаҳр халқлари урф-одатларига таъсирини ўз қарашлари орқали кўрсатиб берди. Унинг илм тарихида кўрсатган хизматлари ҳам шунда кўринади.

¹ Исломда илк илмий оқимларидан бири муътазила (араб. — «ажралиб чиққанлар, узоқлашганлар» — III.3.) оқимидир. Бу дастлабки оқим вакиллари VII–IX асрларда Бағдод ва Дамашқ халифалигининг диний-сиёсий ҳаётига сезиларли таъсир ўтказдилар.

² Қуръон ва Ҳадис назарда тутилмоқда.

Абу Ҳанифанинг илоҳиёт борасидаги қарашларининг қабул қилиниши ва ривожланиши бошқа минтақаларга қараганда Мовароуннаҳрда кенг ўрин эгаллади. Ҳанафийлар араб билан араб бўлмаган мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тенглаштириш, исломни қабул қилган кишилардан жизйа¹ солиғини олиб ташлаш каби талабларни ҳам илгари сурдилар.

Дарҳақиқат, ислом динини янги қабул қилганлар ўзларини янги диндагилар томонидан илиқ кутиб олинадилар, деб умид боғлаган эдилар. Бу эса ўз-ўзидан ҳукмрон табақадагиларга ёқмаслиги аён эди. Чунки мусулмонликка ҳар бир янги қабул, авваламбор, давлат хазинасига тушадиган солиқ маблағининг камайиши дегани эди. Чунки, исломни қабул қилган ҳар бир ғайридин жизйадан озод қилиниши керак эди. Шуларни эътиборга олиб, Мовароуннаҳрда қайта-қайта шу масалалар кўрилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Хуросон амалдорлари осонликча жизйадан кечишни хоҳламас эдилар, чунки бу кўп даромад келтирадиган бир манба эди. Бу борада иккала тараф ҳам бир тўхтамга келишлари зарур эди. Шунинг учун, биринчи навбатда, иймон келтирганлар қандай аниқ бир мақомда бўлишларини билишлари лозим эди. Ҳанафийлик тарафдорлари ушбу зиддиятларни ечиб, маъносини аниқлаштирдилар, натижада, мазҳаб тарихида чуқур из қолдирдилар.

Тадқиқотчилар ўртасида мотуридийа таълимотидаги эътиқодий масалаларни аниқлашда ихтилофлар мавжуд. Бу ихтилофлар, асосан, муътазилийа ва ашъарийа услубларини фарқлаш борасидадир. Замонавий тадқиқотчиларнинг баъзилари мотуридийа услуби ўзининг мазмуни ва шаклига кўра ашъарийа таълимотининг услубига мос келади, десалар, бошқалари мотуридийа услуби муътазилийа услубига мос келади, деб ҳисоблайдилар. Баъзи тадқиқотчилар эса мотуридийа ашъарийа ва муътазилийанинг ўртаси деб, яна бошқа бир туркуми эса ашъарийани мотуридийа ва муътазилийанинг ўртасида туради, деб ҳисоблайдилар.

¹ Жизйа (араб. — жон солиғи) — дастлаб Араб халифалигида, кейинчалик бошқа мусулмон давлатлари, жумладан, Марказий Осиёда мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинган жон солиғи. Жизйа балоғатга етганларга солинган (қариялар, аёллар, болалар, қул ва гадолар эса ундан озод қилинган). Жизйа асосан пул ёки маҳсулот тарзида ундирилган.

Мотуридийнинг «*Китоб ат-тавҳид*» асарини тадқиқ қилган Фатхуллоҳ Хулайфнинг фикрига кўра, мотуридийа ва ашъарийа таълимотлари услуб ва мазҳаб масалаларида бир-бирларига мос келади, чунки мазҳаб ўз моҳиятига кўра услубнинг амалда қўлланишидир. Бу икки таълимот Аллоҳнинг сифатларини, унинг азалий камолини исботлаш, бандаларнинг тасарруфида пайғамбарнинг шафоати каби калом илмининг ихтилофли масалаларида бир-бирига ўхшаб кетади. У яна шундай деган: «Ҳақиқатда, мотуридийанинг ўрта қисми, ўз моҳиятига кўра ашъарийанинг ҳам ўрта қисмидир».

Мотуридийа услубини аниқлашдаги бу ихтилофлар, тасаввуримизда, муътазилийа, ашъарийа ва мотуридийа каби уч калом мактаблари орасидаги ўзаро боғлиқлик билан изоҳланади. Бу ўзаро боғлиқликнинг бир илдизи бор ва бу илдиз ақидани англашда ақлни асос қилиб олишлиқдир. Улар ақлни усулнинг асоси деб билганлар: ақл Қуръон ва суннатларнинг шаръий матнларини тушунишда асос вазифасини ўтаган. Улар бу матнларнинг моҳиятини мазмунан қандай тушунсалар, шундай тафсир қилганлар, ўз тасаввурларида ақлга суянганлар, оят ва ҳадисларни ҳам ақл билан фаҳмлаганлар. Бу услуб орқали улар ақлни юксакларга кўтарганлар.

Дарҳақиқат, муътазилийа таълимоти ҳанафийлар томонидан қораланса-да, лекин аслида ислом динининг кейинги ривожига ўз ҳиссасини қўшган. Алоҳида таъкидлаб ўтиш даркорки, муътазилийлар ислом динида дастлабкилардан бўлиб, рационализмни бошлаб берган оқимдир. Ҳатто инсонда ирода эркинлиги мавжудлиги муътазилийадан бошланганини кўриш мумкин. Мотуридий эса ушбу таълимотни ўрганиб, кейин эса уни ўзгача талқинлар ва асослар билан ислом динининг талабларига мос равишда қўллаган.

Мотуридий «соф диний эътиқоддаги таълимотни билиш, аслида, осон иш эмас» эканлигини уқтиради. Шу билан бирга, у соф диний эътиқоддаги таълимотни билиш учун қуйидаги усулларни кўрсатади:

1. Жисм (яъни, тана) орқали сезиш. Бу ҳол барча жонли мавжудотларга хосдир.

2. Ақлий мулоҳаза ва инсонларга хос тафаккур билан сезиш.

3. Ишончли хабарлар.

Умуман олганда, Мотуридийнинг билиш назарияси изланиш ва тадқиқ қилиш усуллари таянади. У тафаккурни «ақлнинг бир англаш йўли (идрок)» сифатида таърифлайди. Аслида, Қуръонда келтирилган назар ва тафаккур тўғрисидаги ҳукм бу шарҳни қўллаб-қувватлайди. Бу борада Мотуридий эски муътазилийлар услубига таянганини кўриш мумкин. Яна у уларнинг билиш усулларида хабардор бўлган ҳолда масалага айрим ўзгартириш ва қўшимчалар билан ёндашди. Бошқа бир томондан, Мотуридий қарашлари ўша давр мутакаллимларидан бир қанча фарқли бўлиб, асосан, ақлий мулоҳазага катта эътибор берганини пайқаш мумкин. Мотуридий илоҳиёт масалаларига оид ечимларни бир неча қарашлари орқали амалга оширади.

Айни фикрларни Беруний ҳам эътироф этади: «Хабар кўз билан кўргандек бўлмайди, деган сўз ҳақиқатдир. Чунки кўз билан кўриш кўриладиган нарса кўз олдида гавдалангандагина мумкин. Аммо хабар учун бу шарт эмас. Лекин хабарга ҳар хил нуқсонлар етмаса, ортиқча қўшимчалар қўшилмаса, хабарнинг қиймати кўргандан ҳам зиёда бўлади. Чунки кўз билан кўриш чегараси тордир. У кўриб турган вақтдан нарига ўтмайди. Хабар эса тор вақтга боғланиб қолмай, қадим замонларга ҳам кеча олади. Хабар кўзга кўринувчи ва кўринмовчиларга ҳам ўта олади. Хабар турларидан бири, балки муҳимроғи, китобат (ёзув)дир. Агар ёзув бўлмаганда эди, қадимги воқеалар ҳақидаги маълумотларга эришиш мумкин бўлмас эди. Аммо бўлиши мумкин бир воқеадан хабар беришда ёлғон ва рост аралашishi ҳам мумкин».

Ҳар иккиси — рост ва ёлғон хабар қўшилиб кетади. Масалан, хабар берувчиларнинг баъзилари ўз фойдаларини кўзлаб, мақсадларини рўёбга чиқариш учун атайлаб ёлғон қўшадилар, шу билан улар ўз манфаатларини ўзгаларникидан баланд қўйиб, ўз жинсларини юқори кўтарадилар ва шунинг билан ўзлари ҳам ҳурмат қозонадилар.

Бу борада Форобийнинг ақл хусусидаги фикрлари аҳамиятлидир. Чунки у инсон тафаккурини улуғлаб, инсон

соғлом ақлга эга бўлса яхшини ёмондан ажрата олиш имконига эга, деб таъкидлайди. Шу каби фикрларни бево-сита Мотуридийда ҳам учратиш мумкин.

Мотуридий беш сезгининг ақл учун бир идрок йўли сифатида яратилганлик ғоясини илгари суради: сезгилар ақлнинг билиш майдонидир. Улар ашёнинг ташқи томони ҳақида тасаввур бериб, ақл учун бошланғич ҳаракат нуқтаси вазифасини ўтайди.

Мотуридий учун ҳамма вақт илк мавзу — ҳар доим катга баҳсларга сабаб бўлган оламнинг пайдо бўлиши масаласи эди. Унинг таъкидлашича, олам Аллоҳ томонидан яратилган маълум бир замондагина мавжуд нарсадир. Гарчи бу борадаги қарашлар барча мутакаллимлар учун маълум бўлса-да, Мотуридий уни яна бир карра исботлашни лозим топди. Шу йўсинда у олам Парвардигор томонидан яратилганини қатъий исбот қилади ва даҳрийларнинг коинот — абадий, деган фикрларини тўла-тўқис пучга чиқаради.

Мотуридийнинг фикрига кўра, нимаики вужудга келиш имконига эга бўлса, у таркибларга ажралиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам бундай фалсафий фикрлар, кўп ҳолларда, юнон файласуфларининг, илк ўрта асрнинг кўпгина мутакаллимлари сингари, Мотуридийга ҳам таъсир этганини кўриш имконини беради.

Бундай фикрлар Мовароуннаҳр диёридан етишиб чиққан, жаҳон илм-фани тараққиётига ўзларининг юксак ҳиссаларини қўшган файласуф олимлар: Форобий (873—950) ва Беруний (973—1048) фалсафий қарашларида ҳам ўз аксини топган.

Борлиқ ҳамда унинг вужудга келиши борасида Форобийнинг ўзига хос фикрлари бўлиб, у, жумладан, шундай таъкидлайди: «Коинот бир бутун ҳолда вужудга келувчи ва таркибга ажралувчидир. Унинг вужудга келиши ва ажралиши вақтдан ташқаридадир. Коинот қисмлари ҳам вужудга келувчи ва (таркибга) ажралувчидир, (лекин) уларнинг вужудга келиши ва ажралиши вақт ичидадир».

Ибн Сино Аристотель таълимоти изидан бориб, Форобий ғояларини янада мукаммаллаштиради. Олим ўз давридаги табиат фанлари ютуқларидан келиб чиқиб, Форобий

тажрибаларини ўзлаштирган ҳолда «ал-муаллим ал-аввал» қарашларидаги идеализмни танқид қилади. У ўз даврининг фарзанди сифатида эркин фикрлашни ёқлаб чиқади. Шунинг баробарида олим дунёқараши, табиийки, ислом таъсиридан ҳам холи эмас эди. Айтайлик, у илмни чуқурлаштириш йўли билан Аллоҳ жамолига эришув мумкин, деган фикрни олға суради. Ибн Синонинг фикрича, Яратувчи абадий, у яратган борлиқ ҳам абадий. Борлиқ абадий эканини Форобий ҳам таъкидлаган. Ҳар иккала олимнинг фикрига кўра, модда абадий, фақат шакли ўзгариши мумкин, аммо аслияти ўзгармайди. Бу масалада Форобий ва Ибн Сино таълимотларида баъзи жузъий тафовут бўлса ҳам, асосий фикрлари бир-бирига монанд эди. Ибн Синонинг фикрича, мавжудотнинг барча кўринишлари абадий, конкрет буюмлар йўқ бўлиши, янгилик келиб чиқиши мумкин, аммо уларнинг асл моҳияти, дастлабки асоси йўқолмайди. Аристотель таълимоти фақат ислом эмас, балки яҳудийлик, христианлик динларига бўлган муносабатларга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Мотуридий ва Абу Муъин Насафий ўзларининг «*Китоб ат-тавҳид*» ва «*Табсират адилла*» («Далиллар шарҳи») асарларида баҳс қилинган мавзулар ва муаллифларнинг фикрдаги услублари шу соҳада кўринган ютуқларни бизга яққол кўрсатиб турувчи муҳим ҳужжатдир. Бу фикрий сарбастлик, фалсафий ва каломий баҳслар муҳим натижаларни берди. Мотуридий айрим муаммоларга Абу Ҳасан Ашъарийдан кўра кўпроқ фалсафий жиҳатлар билан ёндашганлиги, алломалар яшаган муҳит таъсиридан бўлса керак. Икки олим яшаган маданий муҳитнинг ажойиб намуналари уларнинг бизга етиб келган асарларида акс этган.

Икки буюк сиймонинг асарлари ўзаро солиштирилганда, услуб ва мавзуларда фарқлар борлиги кўзга ташланади. Мотуридий Ашъарийдан кўра кўпроқ аниқ далиллар ва фалсафий ибораларни ишлатган. Мотуридий баъзи фалсафий ва каломий ибораларнинг асосчиси ҳам бўлган.

Мотуридий, шунингдек, *бил-қувва*, *бил-феъл*, *кайфият* ва *ҳаюла* каби атамаларни ишлатади.

Бир қатор Ғарб тадқиқотчиларининг фикрича, Мотуридий ақлни нақддан устун қўйган. Михаил Аллард ҳам худди шу фикрни тасдиқлар экан, далил сифатида «*Китоб ат-тавҳид*»да оят ва ҳадисларнинг жуда оз зикр этилганини қайд этади. Ҳақиқатан ҳам Мотуридий «*Китоб ат-тавҳид*» асарида ҳадислардан жуда кам фойдаланган, лекин Қуръон оятлари борасида Алларднинг фикрларига қўшилмаймиз. Бу асарни изтил ўрганиш натижаси шуни кўрсатдики, Мотуридий фикрларини асосан Қуръон оятлари билан мустаҳкамлаган.

Иккала олимнинг баҳс юритган мавзуларида ўзаро фарқ бўлиши табиий ҳолдир. Абу Мансур Мотуридий коинотнинг энгиз бир яратувчи томонидан яратилганлигини шубҳа эстига олувчи таълимотларни рад этади. Бу модданинг азалийлигига ишонган файласуфларга, турли унсурлар орасидаги қаршиликларнинг натижаси бўлган бир яратувчига ишонган зиндиқийларга¹, ботиний² ва қарматийларга³ қарши фикран курашда намоён бўлади.

«*Китоб ат-тавҳид*» асарининг услуби тарқоқлиги боис, уни тушуниш қийин кечган. Мазкур асардаги услубнинг қийинлигини шу билан ҳам изоҳлаш мумкинки, унда Мотуридийнинг фикрий гуруҳларга қарши берган зарбаларининг таъсири бор. Мотуридий «*Китоб ат-тавҳид*»да Каъбий, Ибн Шаббоб, Ибн Ровандий, даҳрийа ва мажусийа⁴ каби шахс ва фирқаларнинг қарама-қарши даъволарига жавоб бериш учун алоҳида боблар асосида иш юритишни

¹ *Зиндиқийлар* (араб. — динга ишонмайдиган, худосиз, атеист) — ўрта асрларда ислом таълимотини рад этган ҳурфикрли фалсафий оқимлар, дуалистлар, шунингдек, монийлик ва хуррабийлар таълимотининг вакилларига берилган умумий ном.

² *Ботинийлар* (араб. «ботин» — ички, яширин) — исломдаги илоҳиёт оқимларидан бирининг тарафдорлари. VIII асрда вужудга келган. Бу оқим тарафдорлари Қуръоннинг сўзма-сўз талқин этилишига қарши чиққан ва ундаги оятларнинг ички, сирли мазмунини очиш лозим, деган фикрни илгари сурган.

³ *Қарматийлар* — исмоилийларнинг асосий шохобчаларидан бирининг тарафдорлари. Бу ҳаракат IX аср охирида Жанубий Ироқда вужудга келган.

⁴ *Мажусийлик* — зардуштийликнинг мусулмонларда аталиши.

маъкул топган. Бир турдаги бир-биридан фарқ қилувчи фирқаларга қарши жавобнинг моҳияти ўхшашлиги боис услуб ва бир мезонни таъминламоқ қийинлашади. Шу сабабдан ҳам асарни ифода этишда қийинчиликлар юзага чиққан. Мотуридий ифода тарзининг ёпиқ ва қийин тушуниладиган бўлишининг сабаби фақатгина таърифнинг ўзи эмас. Буни бир оз бўлса-да, ўша даврга оид «илмий бир услуб»нинг шаклланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бошқа минтақадан чиққан, у билан замондош бўлган Ашъарийда ҳам айнан шу ҳолат кузатилади. Абу Муъин Насафийнинг Мотуридийга нисбатан очикроқ, тушунарлироқ ва соддароқ услубга эга бўлиши ҳам замон талаби билан боғлиқ.

Мотуридий асарларидаги асосий моҳият, шак-шубҳасиз, яна муътазилийларга бориб тақалади. Мутакаллим кўп жиҳатларда бу фирқага қарши курашганлиги унинг бошқа асарларида ҳам намоён бўлган. Бошқа ҳеч қандай фирқага қарши Мотуридий бу қадар қатъий ва сабр билан курашмаган. Айтиб ўтилганидек, унинг асарлари муътазилийлар орасида кескин тортишувларга сабаб бўлган. Ҳақиқатан, мутакаллим аксарият асарларида эътиборни муътазилийларнинг кўпгина фикрларини фош этишга қаратган. Манбаларда кўрсатилишича, унинг муътазилийларга қарши «*Китоб байон ваҳм ал-муътазила*» номли асари бор. Бу асарни ушбу таълимотнинг асосий фикрлари билан ҳисоблашув, деб баҳолаш мумкин.

Мотуридий ўша пайтда Самарқандда пайдо бўлган қатор фикр ва қарашларга эътироз билдиради. Шу тариқа унинг Абу Умар Боҳилий асарига раддия сифатида ёзилган «*Радд ал-усул ал-хамса*» асари вужудга келган. Яна Каъбий билан бир неча босқичлардан иборат раддиялар мажмуи ҳам шу тариқа вужудга келган бўлса, ажаб эмас. Каъбийга бўлган раддиялар фақат «*Китоб ат-тавҳид*» асари билан чекланмаган. Балки яна бир неча рисоаларда ўз аксини топган: улардан бири «*Китоб радд аваъил адилла ли-л-Каъбий*» деб номланган, асосан машҳур муътазилийлардан бирига тааллуқли бўлган «*Аваъил адилла фи усул дин*» («Дин асослари илмининг асосий далиллари») асарига қарши руҳда битилган. Мотуридийнинг ҳар икки асари алоҳида-

алоҳида мавзу ва муаммоларга бағишланган. «*Радд китоб Каъбий фи вазид ал-фуссақ*» асари эски муржиъийлар¹ таълимотидаги гуноҳ ва мағфират мавзуларига оид бўлса, «*Китоб радд таъдйиб ал-жадал ли-л-Каъбий*» («Каъбийнинг мунозара одоби китобига раддия») асарида эса у бутунлай бошқа мавзуга, яъни ҳуқуқшунослик масалаларига тўхталади.

Муътазилийлар Мотуридий томонидан танқид остига олинган ва баҳсларга сабаб бўлган ягона фирқа эмас. Мутакаллим ўзининг махсус бир асарини исмоъилийларга² қарши ёзган. Насафийнинг «*Табсират адилла*» асарида келтирилишича, асар икки қисмдан иборат бўлиб, «*Китоб имома ли-баъд равафид*» деб аталади.

Мотуридий таълимотини ўрганишда «*Китоб ат-тавҳид*» асари тадқиқот марказида туриши аниқ. Шу ерда «*Китоб ат-тавҳид*»нинг мундарижасига асосланиб, асарда қандай калом масалаларига тўхталиб ўтилганини кўриб ўтиш мумкин.

Мутакаллимнинг асосий ғояси бўйича инсон ўз хатти-ҳаракати соҳиби бўлиб, унга яхшилик ва ёмонликни фарқлаш учун ақл берилган. Инсон ақлига таянган ҳолда, ўз иродасига асосланиб, яхши ёки ёмон ишларни қилади. Ислом ақидасига мувофиқ, шунинг учун у охиратда ё савобга, ё жазога ноил бўлади. Мотуридий каломининг кўпгина масалалари ашъарийлик нуқтаи назарига мос келади. Масалан, жаннат ва дўзахнинг азалий мавжудлиги ва ҳ.к. Аммо Мотуридий Ашъарийдан фарқли ўлароқ, инсон ўз фаолиятида эркинлигини қайта-қайта эътироф этади.

¹ *Муржиъийлар* (араб. — кечиктирмак, муддатни чўзмак) — илоҳиёт оқими тарафдорлари. VII—VIII асрларда пайдо бўлган. Халифаликда уммавийлар ҳокимиятига қарши кураш кучайган даврларда илоҳиётда гуноҳкор ва унинг тақдири масаласи муҳим ўрин олган. Катта гуноҳ қилганни дарҳол жазолаш тарафдори бўлган хорижийларга қарши муржиъийлар уни кечиктиришни ёқлаб чиққан. Уларнинг номи шундан олинган.

² *Исмоъилийлар* — шиъитлик ичида вужудга келган асосий фирқалардан бирининг тарафдорлари. Бу ҳаракат VIII аср ўрталарида бошланган. X—XI асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган, Имом Жаъфар ас-Содиқ вориси масаласи юзасидан шиалар ўртасида келиб чиққан ихтилоф билан боғлиқ.

Ислом динида ҳам бу масала ҳар бир даврда долзарб бўлиб келган.

Ислом назариясида ҳуррият инсоннинг ҳаётдаги қуввати ва фаолиятининг асосий манбаси, деб тушунилади. Мутакаллимлар ҳурриятни, бир киши ўзи хоҳлаган ишни бошқаларга зарар етказмаган ҳолда бажара олиши, деб таърифлайдилар. Бундан инсон кўнгли истаган ишни қилавериши мумкин, деган маъно келиб чиқмайди. Бу ҳуррият эмас, балки бебошлик, тартибсизлик, ўзбошимчалик, парокандалик бўлиб қолади. Чунки инсон, кишилик жамиятида яшайди ва улар (яъни, жамият аъзолари) билан мулоқотда бўлади. Шундай экан, улар билан ҳисоблашиб иш кўриши шарт.


Форобий бу масалага қуйидагича изох беради: «Ирода инсоннинг амалий фаолияти бўлиб, инсон бўлиши мумкин нарсаларгагина иродалидир. Хоҳиш эса мумкин бўлмаган нарсаларни ҳам ўз ичига олади, масалан, инсон ўлмасликни хоҳлайди. Хоҳиш иродага нисбатан умумийдир, чунки ҳар қандай ирода хоҳишдир, лекин ҳар қандай хоҳиш ирода бўла олмайди».

Умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, мотуридийа ақидаси Абу Ҳанифа таълимоти негизида Мовароуннаҳр аҳолисининг сиёсий-маданий, ижтимоий-ахлоқий, ҳуқуқий муносабатларини исломий асослар ёрдамида яратиб берди. Натижада, ислом нафақат диний эътиқод, балки халқнинг турмуш тарзи, руҳияти, қадриятлари, тафаккури, ҳуқуқий, ахлоқий муносабатларининг мажмуи сифатида ўзининг жуда кенг ижтимоий, илмий, тарбиявий, ахлоқий вазифаларини ҳам бажара бошлади.

АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ АСАРЛАРИ

Абу Мансур Мотуридийнинг кўпгина асарлари исломий одоб қоидалари, шариат қонунлари, маънавий-ахлоқий камолот сирларини ёритишга бағишланган. Унинг асарлари нисбатан кам бўлса-да, ўз вақтида муҳим аҳамият касб этгани табиий.

Манбаларда кўрсатилишича, Мотуридийнинг «*Китоб ат-тавҳид*» («Аллоҳнинг ягоналиги китоби»), «*Китоб*



мақомат» («Мақомат китоби»), «*Китоб таъвилот аҳл сунна*» («Куръон таъвили») каби асарлари мавжуд. Бироқ санаб ўтилган бу асарлар ҳақида тўлиқ бир тасаввур йўқлиги тадқиқотчиларга қийинчилик туғдиради. Чунки илк ўрта аср мутакаллимларининг кўпгина асарлари каби, Мотуридий асарларининг ҳам кўп қисми етиб келмаган. Фақатгина «*Китоб ат-тавҳид*» ва «*Китоб таъвилот*»¹ асарларининг сақланиб қолган нусхалари орқали биз улар билан танишиш имконига эгамиз.

Мутакаллимнинг энг машҳур асарларидан бири — «*Китоб ат-тавҳид*»нинг асл нусхаси ҳозирда Англиядаги қўлёзмалар фондида сақланади. Қўлёзма 206 варақдан иборат бўлиб, сатрлар сони 21 қатордан, кўчирувчи Амин Ҳанафий Шофиъий, деб кўрсатилган. Кўчириш йили — 1150 й. 15 шаъбон/1735й. 31 декабрь.

Ягона ҳисобланган бу нусха устида талай тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу асар калом тарихини ёритишда муҳим манба ҳисобланганлиги учун тадқиқотчилар унга алоҳида эътибор билан қарайдилар.

Туркиялик олим Сайид Ўзервали фикрига кўра, мазкур асарнинг бошқа нусхалари Марказий Осиё ёки унга қўшни бўлган мамлакатларнинг қўлёзмалар фондидан топилиб қолиши мумкин. Чунки, мазкур мамлакатларнинг қўлёзма фондлари Фарб қўлёзмалар фонди каби чуқур ўрганилмаган.

«*Китоб ат-тавҳид*» илк бор 1970 йилда Байрутда — Фатхуллоҳ Хулайф томонидан нашр этилган. Шундан сўнг бир неча бор Туркияда қайта нашр этилди. Сўнггиси Бекир Тўпалу ўғли ва Муҳаммад Аручи каби олимлар томонидан 2003 йилда Анқарада нашр этилди.

Манбаларда «*Китоб ат-тавҳид*» илк калом таълимотини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади, деб баҳоланади. Шу боис бу асар ортиқча мақтовларга муҳтож ҳам эмас. Лекин унинг илк ўрта асрларда битилган шу соҳадаги бошқа

¹ *Таъвил* — талқин қилиш, шарҳлаш. Анъанавий Куръон тафсиридан фаркли ўлароқ, Куръон матнларининг «сирли мазмуни»ни очишга ҳаракат қилиб, уни мажозий талқин қилиш натижасида таъвил қилиш усули келиб чиққан.

асарлардан қатор фарқли жиҳатлари борки, буларни кўрсатиб ўтиш зарур. «*Китоб ат-тавҳид*» ислом маданиятидаги илоҳиёт таълимотининг қадимийларидан ҳисобланади. Манбалардан маълумки, худди шу мавзуда муътазилийлар ҳам бир неча бор уринишлар қилганлар. Бироқ Мотуридий асари биринчи қадам бўлди, шу боис ҳам у ислом тарихида алоҳида ўринга эга. Агар асар ёзилишидаги географик шарт-шароитларни ҳам инобатга олсак, Мотуридий ҳеч қачон муътазила бўлмаган ва у ҳеч қачон Ироқда вужудга келган калом таълимотини ўзлаштирмаган. Бу минтақада ҳанафийлар мазҳабида калом илмига оид, асосан, «*Фикҳ абсам*» ёки «*Китоб савад аъзам*» каби асарларгина маълум бўлган, холос. Агарда «*Китоб ат-тавҳид*»ни булар билан солиштирадиган бўлсак, муаллифнинг фикрлари ўз замонасидан қанчалик илгарилаб кетганини кўриш мумкин. Алломанинг бу ютуғи мавзунини бутунлай қамраб олиши билан бирга, расмий режа ҳамда услубий далилларда намоён бўлади.

Иккинчидан, «*Китоб ат-тавҳид*» муаллиф ижодидаги тасодифан, вақт тақозоси билан қалқиб чиққан асар эмас. Барча мутакаллимлар бир овоздан асарни пухта, деб баҳолайдилар. Уни, ҳатто Мотуридий таълимотининг асосий йиғма асари, деб аташ мумкин. Айтиб ўтиш жоизки, муаллиф кўплаб асарларга мурожаат этган ва улардаги фикрларни пухта ўрганган.

Учинчидан, асарнинг намунавий асар бўлиб қолишида Мотуридий давомчиларининг хизматлари беқиёс. Унга ёзилган шарҳлардан ҳам «*Китоб ат-тавҳид*», шак-шубҳасиз, муҳим манба бўлганлигини кўриш мумкин. Шунинг баробарида узоқ йиллар давомида мотуридийлар учун асосий қўлланма бўлиб келган, яъни Паздавий таъбири билан айтганда, «*Китоб ат-тавҳид*» дан тўлиқ қониқиш ҳосил қилиш мумкин», бу ўринда калом борасидаги бошқа асарлар иккинчи даражали ҳисобланади. Кейинчалик ҳам мотуридийлар илоҳиёт борасида бирон-бир асар ёзиш ниятлари бўлса, бевосита «*Китоб ат-тавҳид*»га мурожаат этганлар.

Абу Мансур Мотуридийнинг яна бир машҳур асари «*Китоб таъвилот*»дир (у «*Китоб таъвилот аҳл сунна*» деб ҳам аталади). Асарнинг кўпгина нусхалари мавжуд ва улар ҳозирги

кунда дунёнинг турли фондларида сақланмоқда. Бу борадаги тадқиқотлардан шахсиятлиси Мотуридийнинг «*Китоб таъвилот*» («Қуръон таъвили») асари ҳақидаги Гётцнинг мақоласи бўлиб, муаллиф «*Китоб таъвилот*» асарининг жаҳон қўлёзма фондларида сақланаётган нусхалари борасида муҳим маълумотлар беради. Лекин Гётц Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти (ЎЗР ФА ШИ) фондидаги нусхалари ҳақида маълумотлар бермайди. Мазкур институт фондида «*Китоб таъвилот*» асарининг икки нодир нусхаси сақланади.

ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 5126 инв.рақами остида сақланаётган нусха асарнинг иккинчи жилдидир. Иккинчи жилд (дафтар)нинг умумий ҳажми 258 варақ, шарқ қоғозига қора сиёҳ билан кўчирилган. Қўлёзма чарм муқовали бўлиб, муқова кейинроқ ишланган ва саҳҳофи Хўжа Азизбек. Кўчирувчиси — номаълум, насх хатида ёзилган. Варақлар ўлчами 26×16 см. бўлиб, ҳар бир саҳифа 18 қатордан иборат. Қўлёзма асарнинг бир қисми 62—114 суралар таъвилини ўз ичига олади. Қўлёзманинг 171^а-саҳифасида бу асар Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонасида сақланганлиги тўғрисида белги бор. Унда, жумладан, шундай дейилади: «*Ушбу китоб Бухоро шаҳрининг Куйи Дихқон манзилидаги кутубхонага Аллоҳ бандаси Муҳаммад Ҳофиз Бухорий томонидан вақф қилинган*». Хожа Порсо муҳри кўпроқ китобнинг дастлабки ва сўнгги варақларида учрайди. Қўлёзманинг охирида бир нечта саҳифа тушиб қолган. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, кўплаб калом мавзуларга оид бўлган суралар батафсил таъвил қилиниб, катта ҳажмни эгаллайди. Масалан, «*ал-Қориъа*», «*Бйанна*», «*Ва-л-аср*».

Эътиборли жиҳати, ҳозирги кунда ЎЗР ФА ШИда сақланаётган «*Китоб таъвилот*»нинг нусхаси дунёдаги энг қадимийси бўлиб турибди. Бу қўлёзма 529/1134—1135 йилларда кўчирилган. Бухоро жомеъ масжидида қабул қилиниб, таҳрир этилган. Нусха ҳошияларида кўплаб тузатишлар, шарҳлар учрайди. Улардан аксари матндан тушиб қолган ёки хаттот киритган сўзлар ва қайта тузатилган жумлалардан иборат. Қўлёзманинг охирги икки варағига кейинги даврларда кўчирилган шеърлар киритилган.

ЎзР ФА ШИдаги «*Китоб таъвилот*» асарининг яна бир нусхаси 5127 инв. рақами остида сақланади. Бу нусха насх ёзувида кўчирилган бўлиб, асарнинг охирги жилди ҳисобланади. Ушбу нусха 294 варақдан иборат. Китоб ўлчами 19,5×15,5 см., матн ҳар саҳифада 19 қатордан жойлаштирилган. Қўлёзма қора сиёҳ билан шарқ қоғозига ёзилган. Бу жилд жигарранг чарм муқовали бўлиб, ғилоф ишланган; бундай муқовалаш усули усмонийлар даврига хос. Муқованинг юзида бир парча қадимий қоғозга «*Китоб таъвилот*» сўзлари ёзилган бўлиб, ёзув йиллар давомида эскирган ва кўз илғамайдиган даражага келиб қолган, қўлёзманинг бошлангич варағидаги (1^а) юқори сатрда «*Тафсири-и шайх Абу Мансур Мотуридий*» деб ёзилган. Шу саҳифанинг қуйироғида шундай ёзувлар бор: «*Бу охирги дафтар буюк имом, зоҳид, ҳидоят йўли имоми, аҳли сунна вал жамоа раиси шайх Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридийдан нақл қилинган*». Варақнинг чап тарафида «*Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср Ҳофиз Бухорий мулки*» деб ёзиб қўйилган. Бу нусха ҳам Хожа Муҳаммад Порсонинг кутубхонасига тегишли. Асарнинг дастлабки саҳифаларидан бошлаб, Порсонинг муҳрини учратиш мумкин. Қўлёзмада Қуръон сураларининг номи йирик ҳарфлар билан берилади. Бу асар «*бисми аллоҳ*» билан бошланади ва Қуръони каримдаги 3–4-сураларнинг таъвилини ўз ичига олади. Бироқ 3-сура (*Имрон*)нинг бош қисми сақланмаган, 4-сура (*Нисо*)— тўлиқ. Бу нусха ҳошияларида ҳам кўплаб тузатишлар, шарҳлар учрайди. Улардан аксари матндан тушиб қолган ёки хаттот киритган сўзлар ва қайта тузатилган жумлалардан иборат.

1971 йилда «*Китоб таъвилот*» асарининг биринчи жилди Сайид ва Иброҳим Авадайнлар томонидан нашр этилди. Худди мана шу китоб бангладешлик олим А.А. Раҳмон томонидан 1981 йилда янги кўшимчалар билан қайта нашр қилинди. Асарнинг чоп қилиниши Мотуридий каломига оид қатор мақолаларнинг ёзилишига сабаб бўлди. Ф. Сезгин ўзининг «*Араб қўлёзмалари тарихи*» китобида «*Китоб таъвилот*» асарининг дунё фондидаги нусхалари ҳақида қимматли маълумотлар беради. Сўнгги йилларга келиб, унинг тўлиқ нашрлари ҳам амалга оширилди. 2004

йили Фотима Юсуф Хайми томонидан 1—5 жилдлари Байрутда нашр этилди. Яна бири Муждий Баслум томонидан тайёрланган бўлиб, 2005 йилда Қоҳирада «Мактабат ул-карамат» нашриётида нашр этилган. Энг сўнгги 2008—2009 йиллардаги илмий нашри Туркияда док. Эртигул Бойнукалин томонидан тайёрланган, унга проф. док. Бекир Тупалу ўғли илмий муҳаррир бўлган. Туркиядаги «Дарул мезон» нашриётида унинг етти жилди чоп этилди.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида машҳур ҳанафий фикҳ олими Алоуддин Самарқандий томонидан «*Китоб таъвилот*» асарига ёзилган шарҳ ҳам мавжуд бўлиб, унинг нусхалари 3249 ва 3155 инв. рақамлари остида сақланади. Бу нусхалар ҳам Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонасининг мулки ҳисобланади.

Мотуридийнинг кейинги асарларида умуман бошқа бир ҳолатнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Мутакаллимнинг «*Китоб ал-мақомат*» номли асари бизнинг давримизгача етиб келмаган. Эҳтимол, унинг ёрдамида ўша давр Мовароуннаҳр диёридаги диний ҳолат ҳамда энг муҳими, Мотуридий таълимотига оид янги маълумотларни олиш имкони бўлар эди. Бу асарни муҳим дейишга икки сабаб бор: биринчидан, мотуридийларнинг аксарияти унга катта эътибор беришади, иккинчидан, уни муаллифнинг шоҳ асари саналган «*Китоб ат-тавҳид*»дан кейинги ўринга қўйишади.

Алломанинг «*Маъҳаз шараъи*» номли асари ҳуқуқшуносликка оид бўлиб, ундан шариатда ҳуқуқий манба сифатида фойдаланилган. Мотуридийнинг сўнгги асарларидан бири «*Китоб жадал*» бўлиб, унда кўпроқ юнон файласуфларининг борлиқ ва инсоннинг ҳолати, дунёнинг тузилиши хусусидаги фикрлари баён қилинган. У. Рудольф эса бу асарни фикҳга оид манбалар қаторига қўшади ҳамда далил сифатида кўплаб адабиёт ва манбаларни келтиради, бироқ бу маълумотлар асарни фикҳга оид деб баҳолаш ҳуқуқини бермайди.

Тадқиқотчилар айтиш кунда Мотуридийнинг фақат икки асари «*Китоб ат-тавҳид*» ва «*Китоб таъвилот*»га таянибгина мотуридий таълимотини ўрганмоқдалар.

Шу ўринда бир фикрни, албатта, айтиб ўтиш зарур: Марказий Осиёдаги қўлёзма фондлари ҳануз чуқур

ўрганилмаган. Демак, ҳали Мотуридий шахсини очиб берувчи янги-янги манбалар ва маълумотлар топилишига ишонч бор. Сўнгги тадқиқотларнинг ўзиёқ бу ишончни оқлаяпти. Кейинги пайтда Мотуридий номига боғланувчи қатор асарлар топилди. Шу билан бирга, бу мавзуга ҳали яна кўплаб олимлар қайта мурожаат этадилар ва ўз хиссаларини қўшадилар, деб умид қилиб қоламиз.

МОТУРИДИЙА КАЛОМ МАКТАБИ ВА УНИНГ ДИНИЙ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ

Мотуридий фаолияти борасида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш учун бевосита унинг шогирдлари ва уларнинг илоҳиёт борасидаги ютуқларига ҳам мурожаат этиш лозим.

Манбаларда Мотуридийнинг шогирдлари ҳақида маълумотлар талайгина. Бироқ уларнинг барчасига ҳам тўғридан-тўғри ишониш қийин. Чунки бу маълумотларнинг муаллифлари яшаган даврда Мотуридий шўҳрат поғонасига кўтарилиб бўлган эди, шу боис, нафақат ҳақиқий, балки сохта шогирдлар ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Бу эса, ўз навбатида, шогирдлар доирасининг кенгайишига олиб келади.

Биограф олимлар авваламбор X асрда Самарқандда яшаб ўтган барча уламоларга ўз назарларини қаратганлар. Ким бўлишидан қатъи назар, ўша даврда мазкур шаҳарда яшаган бўлса, (албатта, олимлардан) илоҳиёт мавзусига қизиққан ва у Мотуридийнинг шогирдлари қаторидан жой олган бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда машҳур алломаларни Мотуридий билан боғлаш ҳам учрайди, лекин изчил ўрганилганда, бунга ҳеч қандай тарихий асос йўқлигини кўриш мумкин. Мисол тариқасида, «*Китоб савод аъзам*» асарининг муаллифи Ҳаким ас-Самарқандийни Мотуридийнинг шогирди қаторига қўядилар. Аммо илк давр манбаларида Ҳаким ас-Самарқандийнинг Мотуридийга шогирдлиги тасдиқланмайди. Худди шундай ҳолатни машҳур аллома Абу Лайс Самарқандийда (ваф. 953) ҳам кузатиш мумкин. Ҳаким ас-Самарқандийнинг фикҳ ва калом илмларига бағишланган тўпламлари X асрларда Самарқандда ёзилган асарларнинг аксариятини ташкил этар эди. Шу боис ҳам

уни илк мотуридийлар қаторига киритилган, деб хулоса чиқариш мумкин. Бироқ, манбаларда Ҳаким ас-Самарқандий ўша даврда Самарқанднинг бош қозиси лавозимини эгаллаб турганида Мотуридийнинг қабри устига тош қўйдиришни буюрганлиги ҳақида маълумотлар бор. Унда шундай сўзлар битилган: «Бу (қабр) ўз ақл-заковати ва тафаккури билан кўплаб илмларнинг юксак чўққисини забт этган, у (илм)ларнинг дунё бўйлаб тарқалишида бутун куч-қуввати ва салоҳиятини аямай сарфлаган, дину диёнат соҳасидаги асарлари унга мислсиз шону шавкат келтирган, умри бўйи инсонларга илмнинг лаззатли мевасини улашган алломанинг қабридир».

Уч мутакаллимни Мотуридийнинг бевосита шогирдлари қаторига қўшиш мумкин. Улар борасидаги маълумотларни ўрганиш Мотуридийнинг ички ҳалқаси (яъни, атрофидаги шогирдлари) ҳақида янги ва муҳим хабарларни бериши муқаррар.

Мотуридийнинг дастлабки шогирдлари қаторига Абу Аҳмад Наср ибн Аҳмад Иёдийни киритиш лозим. Шу ўринда Иёдийлар оиласи билан Мотуридий ўртасидаги алоқалар яна қайта тикланишларини айтиб ўтиш мумкин. Абу Аҳмад Наср ибн Аҳмад Иёдий Мотуридий устозининг тўнғич ўғли эди. У дастлаб Мотуридий билан биргаликда отасидан илм ўрганади. Бу алоқа илоҳиёт илмини ривожлантиришда кўмак бергани кишини қувонтиради.

Кейинги давр манбаларидан маълум бўлишича, Абу Аҳмад Наср ибн Аҳмад Иёдийнинг шуҳрати анча юқори бўлган. Бу маълумотлар орасида ўзига хос анъана бўлиб қолган уйдирма ва орттирмалар ҳам борлиги истиснодан ҳоли эмас. Абу Аҳмаднинг замондоши Абу Ҳафс Бухорий шундай ёзади: «Ҳанафийлар садоқатли олим бўлишлари лозим, чунки унинг отаси Абу Аҳмад ҳам садоқатли олим бўлган эди». Ҳаким ас-Самарқандий эса Абу Аҳмад Иёдийни юксакларга кўтаришда ўзига хос антиқа услубни қўллаган. У шундай дейди: «Иёдийнинг ўғли Хуросон ва Мовароуннаҳрда сўнгги юз йил давомида, ҳатто ўйлаб кўрилса, сўнгги давр мобайнида яшаб ўтган энг машҳур олимлардан биридир». Ҳис-туйғуларга тўла бу мақтовлар орасида унинг калом илмига оид асари борасида ҳеч бир сўз учрамайди.

Алломанинг акаси бўлмиш Абу Бакр Иёдийнинг хабар беришича, Абу Аҳмад муътазиллийлар билан баҳслар олиб борган бўлиб, у «*Ашр ал-масоъил ал-Иёдийа мин асл дин*» («Дин асосларига оид ўн масала») номи билан маълум бўлган рисола ёзган. Бу рисоланинг мавзуси Абу Аҳмаднинг отаси айтган нақллари билан мос келади. Шу билан бир қаторда эса Мотуридий илоҳиёти борасидаги фикрлари билан ҳамоҳангдир.

Бу рисола, табиийки, Мотуридий фаолиятини ёритишда муҳим ўрин эгаллайди. Ўз навбатида, Иёдийнинг ҳам бир неча шогирдлари бўлганлиги манбаларда кўрсатилади. Бунга мисол тариқасида Абу Салама Муҳаммад ибн Муҳаммад Самарқандийни эслаб ўтиш жоиз. Бу олим Мотуридий шогирдининг шогирди бўлиб, тахминан Х асрда яшаб ижод этган. Унинг исмидан кўра асари кўпроқ таниқлидир. Асарининг номи «*Жумал усул ад-дин*» («Усул ад-дин хулосаси») бўлиб, ҳозирда Истанбул қўлёзма фондларининг бирида сақланади (нашри ҳам мавжуд). Ушбу асарни изчил ўрганиш фойдадан ҳоли эмас. Зеро, Самарқандда мотуридийа калом мактаби қайта жонланган даврда юзага келган бу асардан ноёб манба сифатида фойдаланиш мумкин. Абу Саламанинг мазкур асари бошқа олимларнинг айна анъанавий мавзуда ёзган асарларидан бутунлай фарқ қилади. У барча тафсилотларда ҳамда айрим нозик масалаларда устозининг устози Мотуридийга яқин ёндашганлигини кўриш мумкин. Шу боис, бу асарни Мотуридий анъаналарини бутунлигича сақлаб қолган ва бизгача етиб келган ноёб асарлар қаторига қўшиш мумкин.

Айтиб ўтганимиздек, Абу Салама бевосита Мотуридийнинг шогирди бўлмаган, лекин Абу Аҳмад Иёдий ёрдамида билвосита устоз фикрлари билан таниш бўлган. Шундай қилиб, уни биринчилардан бўлиб анъанада бурилиш ясаган, дейиш мумкин. Иёдий устозидан барча янги фикрларни ўрганиб, бу илмларини кейинги авлодга етказган шахс сифатида тарихда из қолдирди.

Мотуридийнинг яна бир шогирди Абу Ҳасан Али ибн Сайид Рустуфағнийдир (ваф. 961). Нисбасидан у Самарқанд яқинидаги қишлоқлардан бирида туғилганлиги кўринади. Диққатга молик тарафи шундаки, Мотуридийнинг бу

шогирди кейинги давр биографлари томонидан жуда кўп эътироф этилади. Бу эса унинг фақат устози соясида обрў-эътиборга эга бўлмай, балки ўзининг мустақил ўрни (фикри) бўлганлигидан далолат беради. Рустуфағнийнинг мустақиллиги, авваламбор, ҳуқуқий илмлар борасида намоён бўлади. Унинг номи барчага маълум ва машҳур ечимини топмаган икки масала борасида ёдга олинади: биринчиси амалий муаммолардан бўлган ва кундалик ҳаётда (ҳозирги кунда ҳам) учраб турадиган масала бўлиб, қуйидаги мазмунда: «Агар бирон киши ўзини кўмадиган (масалан, ҳовуз ёки сув тўла катта идиш) сувга тушиб нариги томонидан чиқса, ғусул (диний покланиш) сифатида инобатга олинадими ёки йўқ?». Бу масалага Рустуфағнийнинг қандай ечим топгани маълум эмас, бироқ оқилона ҳал қилгани аниқ. Чунки сўнгги юз йиллар мобайнида айна шу масала тилга олинганда, фақат Рустуфағнийнинг сўзларига мурожаат этилар эди. Иккинчи масала калом илмига оид бўлиб, манбалар хабар беришича, бу мунозара Рустуфағний ва унинг устози Мотуридий орасида бўлиб ўтган. Бу ижтиҳодга (ҳукм чиқаришга) оид эди: аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мужтаҳид (араб. «интилувчи», «ғайрат қилувчи», ўрта асрларда исломда ижтиҳод ҳуқуқига эга шахс, яъни ҳукм чиқара оладиган шахс) ижтиҳод қилганда, бирон-бир мантиқий хато қилиши мумкинми ёки йўқ? — шу мавзуда эди. Бу борада Рустуфағнийнинг ҳам, Мотуридийнинг ҳам қандай фикр билдирганликлари аниқ эмас. Бу мунозарага Абу Ҳанифага нисбат бериладиган «барча мужтаҳидлар ҳақдирлар» (*куллу мужтаҳид мусниб*) деган ибораси асос бўлган. Худди шу ибора ҳанафийлар орасида жуда кўп мартаба очик-ойдин тортишувларга сабаб бўлган. Мисоллардан кўринадики, Рустуфағний нафақат фикҳ илмида, балки калом илмида ҳам ўзининг мустақил мавқеига эга бўлган. Ачинарлиси, Рустуфағнийнинг тортишувлар, баҳслар, мунозараларининг аксар қисми ёзма равишда етиб келмаган. Етиб келганлари эса қуйидаги асарлардан иборат: фикҳий масалалар бўйича маслаҳатларга оид «*Фатова Рустуфағний*» («Рустуфағнийга оид фатволар»), ҳали-ҳануз мавзуси жумбоқ бўлиб келаётган «*Китоб хилоф*» («Ихтилофлар ҳақидаги китоб»), калом

илмига оид машҳур «*Китоб иршод ал-мухтади*» («Тўғри йўлдан юрувчиларни йўлловчи китоб»), илмлар таснифига оид «*Китоб завоъид вал-фавоъид*» («Фойдали ва зиёда нарсалар ҳақидаги китоб»). Зикр этилган асарлар ичида «*Китоб иршод ал-мухтади*» машҳури ҳисобланиб, барча биографлар Рустуфағнийнинг шу асарини тилга оладилар. Машҳур турк олими Камолиддин Байоди (ваф. 1687) асарни «Аллоҳ сифатлари» борасидаги энг муҳим манбалардан бири, деб ҳисоблайди.

Унинг «*Китоб завоъид вал-фавоъид*» асари калом илмига мутлақо алоқадор эмас. Бироқ мавзусининг буткул нотанишлиги ва янгилиги қизиқишни янада орттиради. Кўпгина олимлар асарнинг илмлар таснифи (аснаф ал-улум ёки ан-ва ал-улум)га оидлигини эътироф этадилар.

Эслатиб ўтиш жоизки, илк ўрта асрларда мусулмон Шарқда илмлар таснифига оид асарлар ёзиш анъанаси ривожланган эди. Бунга мисол қилиб Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг маълум ва машҳур «*Мафотиҳ ал-улум*» («Илмлар калитлари») асарини, шунингдек, Ибн Фаруғийнинг «*Жавами улум*» («Диний илмлар мажмуи»), Абу Зайид Балхийнинг «*Ақсом улум*» («Диний илмларнинг бир қисми») асарларини кўрсатиш мумкин. Рустуфағнийнинг «*Китоб завоъид вал-фавоъид*» асари ҳам илмлар таснифига оид асар ҳисобланади. Ушбу маълумотнинг илмий жиҳатдан қизиқлиги, ҳанафийлардан бўлмиш Мотуридийнинг шогирдларидан ҳисобланган олимнинг илмлар таснифига оид асар ёзганлигида кўринади.

Абу Ҳасан Рустуфағний кўп қиррали, сермахсул олим бўлган, энг муҳими, у Мотуридийнинг фикрларини ва таълимотини ўзидан кейинги авлодга етказган.

Мотуридийнинг учинчи шогирди Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Мусо Паздавийдир (ваф. 999). Аввалги шогирдларидан фарқли ўлароқ, у на калом ва на фикҳда шуҳрат қозонган. Унинг таълимоти борасида ҳам, ўғитлари ҳақида ҳам айтарли ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Бироқ унинг мотуридийа калом мактабидаги воситачилик ўрни жуда муҳим. Унинг номи маълум ва машҳур «*Китоб алим ва мутаъаллим*»да зикр этилган бўлиб, унда Абу Муҳаммад бу матнни Мотуридийдан эшитиб, уни Муҳаммад Наса-

фийга етказганлиги баён этилган. Биографлар эса уни нафақат воситачи сифатида, балки, энг аввало, Мотуридийнинг шогирди сифатида эътироф этадилар. Унинг воситачилик вазифаси у қадар аҳамиятга эга эмасдек кўриниши аниқ, бироқ йиллар ўтиши билан жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки уч авлоддан сўнг худди шу Паздавий асос солган сулоладан исломга машҳур алломалар етишиб чиққан. Улардан бири — мотуридийа калом мактабининг машҳур мутакаллимларидан ҳисобланган Абу Юсур Паздавий (ваф. 1100). Иккинчиси ҳам машҳурликда ундан қолишмайдиган Фахр Ислом Абу Ҳасан Паздавий (ваф. 1089). Ҳар иккиси ҳам мунтазам калом анъанаси меросхўрлари сифатида намоён бўлганлар. Хатто, Абу Юсур ўзининг «*Китоб усул дин*» асарида Мотуридий ҳақидаги барча нақллар бобосидан авлоддан-авлодга ўтиб келаётганини айтади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ЎЗР ФА ШИда «*Шарҳ таъвилот*» асарининг сарварағида ҳам айтилиши борада муҳим маълумотни учратиш мумкин. Абдулкарим Паздавий таълимоти тор доирада тарқалган бўлса ҳам Мовароуннаҳрда жуда катта аҳамиятга эга эди.

Худди шундай ҳолатни бошқа авлод мисолида ҳам кўриш мумкин. Калом илми Макхул Насафийдан (ваф. 930) машҳур мотуридийлардан Абу Муъин Насафийга қадар етиб борган. Бундай авлоддан-авлодга ўтиб бориш ўша даврда ўзига хос бир анъанага айланган. Паздавийларда илмни бир-бирига етказиш анъанаси бир неча авлодларда кузатилади. Абу Муҳаммад Паздавий машҳур ака-укаларнинг бобоси ва ўз навбатида, Мотуридийнинг бевосита шогирди бўлган.

Мотуридийа калом мактабининг тарихини ўрганиш эътиборга арзигулик ишдир. Шу вақтга қадар амалга оширилган аксарият тадқиқотлар кўп ҳолларда Мотуридий ҳаёти, ижоди ва унинг таълимоти ҳақида қисқача маълумотлар билан чекланиб қолган. Айрим ҳоллардагина мотуридийа калом мактабининг ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Муъин Насафий номи тилга олинади. Бунга сабаб, Абу Муъин Насафий ўзининг «*Табсират адилла*» асарида Мотуридий тўғрисида кўплаб қимматли фикрлар

баён этганидир. Шу боис, биз бу бўлимда мотуридийа калом мактабининг кейинги ривожига ўз ҳиссасини қўшган мутафаккирлар фаолиятини имкон қадар ёритишни мақсад қилдик. Йирик исломшунос олим У. Рудольф ҳам ўзининг *«Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти»* деб номланган монографиясида бу мавзуга тўхталмаган. Шунинг баробарида ўзининг кейинги мавзуларида, албатта, янги тадқиқотчилар учун мавзу бўла олади, деб ишонч билдирар экан, бир неча мотуридийа калом мактаби намояндаларининг номларини зикр этади: Абу Юсур Паздавий, Абу Муъин Насафий, Саффор Бухорий, Абу Ҳафс Насафий, Али ибн Усмон Ўший, Собуний Бухорий, Умар Ҳанафий.

Таъкидлаш жоизки, мотуридийа мактабини зикр этилган олимлар билан чегаралаш нотўғри бўлади, булар қаторига қўшлаб янги номларни қўшиш мумкин. Уларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш мотуридийа калом мактабининг ривожига қўшган ҳиссаларини аниқлашда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Мотуридийа каломчилари ҳақида илк маълумотларни олиш учун, албатта, энг аввал Абу Мансур Мотуридий давридаги манбаларга мурожаат этиш керак бўлади.

Мотуридийнинг Мовароуннаҳр калом мактаби ривожига қўшган ҳиссасини юзага чиқариш XI асрда Мовароуннаҳрда ўзига хос бир анъанага айланди, дейиш мумкин. Бу фикр Абу Юсур Паздавийдан бошлаб, унинг ёш замондоши Абу Муъин Насафий ижодида янада ёрқинроқ кўрилади. Лекин уларнинг ҳар иккиси ҳам Мотуридийни Мовароуннаҳрдаги сунний мазҳабнинг асосчиси, деб эътироф этишмайди. Бу мазҳаб ақидасининг ривожланишини якка шахс билан боғлашнинг ўзи ҳам нотўғри. Лекин бараварига Абу Ҳанифани бу мазҳабнинг асосчиси, деб тан оладилар. Уларнинг мақсади бу мазҳаб таълимотини бутун ҳолича, узлуксиз, авлоддан-авлодга ўтаётганлигини исботлаш эди, холос.

Мотуридийа калом мактабининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Абу Муъин Насафий буюк олимлар оиласига мансуб фақиҳлардандир. Унинг катта бобоси Макхул Насафий бўлиб, Мотуридийнинг шогирдларидан

ҳисобланган. Унинг ўғли Муҳаммад ибн Макхул отаси даражасида шуҳрат топмаган бўлса-да, ҳанафийлар орасида катта обрўга эга эди. Мана шу авлоднинг давомчиларидан ҳисобланган Абу Муъин Насафий «*Табсират адилла*», «*Баҳир калом*» («Калом илмининг мезони»), «*Тамҳид ли-қавовид тавҳид*» («Тавҳид илми қоидалари ўзани») асарларининг муаллифи. Манбаларда Абу Муъин Насафийнинг бир муддат Самарқандга келиб яшаганлиги, сўнгра Бухорога бориб, у ерга муқим ўрнашиб қолганлиги қайд этилган. Унинг устозлари тўғрисида маълумотлар деярли йўқ. Бироқ унинг шогирдларидан учтасининг номи маълум. Улар машҳур ҳанафий фикҳ ва калом олимлари Алоуддин Самарқандий, Маҳмуд Соғаржий ва Абдул Рашид ибн Абу Ҳанифий Валвожилардир. Абу Муъин Насафий мотуридийлар орасида машҳур ҳисобланади. У ҳақида Абу Ҳафс Насафий шундай дейди: «Шарқ ва Ғарбда илмда машҳур ҳамда унинг илмидан баҳра олиш мумкин бўлган олим». Фатхуллоҳ Хулайф Абу Муъин Насафийни шундай таърифлайди: «У мотуридийа калом мактабини ҳимоя қилиб турувчи энг катта шахс ҳисобланади». У ўзининг «*Тамҳид ли-қавовид тавҳид*» номли асарида «Имом Абу Мансур Мотуридий усул ва фуруда Абу Ҳанифага хайрихоҳликда энг шиддатлиси», деб таъкидлайди. Олимнинг мазкур асарида бир қанча маълумотлар ҳам ўрин олган бўлиб, улар орасида мотуридийа калом мактабини катта аҳамиятга эга деб, қабул этиш кераклиги кўзга ташланади.

Машҳур фақиҳ, тилшунос олим Алоуддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий XII асрда яшаган, у Абу Муъин Насафий ва Фаҳр Ислоҳ Абу Ҳасан Паздавийларнинг шогирди бўлган. Тахминан 1145 йили вафот этган. Алоуддин Самарқандий Абу Мансур Мотуридийнинг «*Китоб таъвилот*» асарига шарҳ ёзган. «*Мизон усул фи натоъиж уқул*» («Ақллар чиқарган хулосалари бўйича асослар мезони») ҳамда «*Китоб тухфат фуқаҳо*» («Фақиҳлар учун тухфа») асарлари ҳам мавжуд.

Алоуддин Самарқандий нафақат Мовароуннаҳр фикҳ мактаби анъаналарини, балки, мотуридийа калом мактаби анъаналарини Бухоро уламолари орасида ривожлантиришга маълум даражада таъсир ўтказди. Шу ўринда фақиҳ

Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косоний (ваф. 1191) ва машҳурликда ундан қолишмайдиган фикҳ олими Бурҳониддин Марғинович (ваф. 1197) эслаб ўтиш кифоя.

Алоуддин Самарқандийнинг сайъ-ҳаракати туфайли Мотуридийнинг асарлари кейинги авлодларгача етиб келди. Шунингдек, у ва шогирдлари мотуридийа калом мактаби ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косоний устози бўлмиш Алоуддин Самарқандийнинг «*Китоб тухфат фуқаҳо*» («Фақиҳлар учун тухфа») асарини шарҳлаб, «*Бадойи санойи фи тартиб шароий*» («Шариатни тартиблашда гўзал услуб») асарини ёзади. Устози бундан мамнун бўлиб, ўз қизи Фотимани Косонийга турмушга беради. Шу тариқа икки олим ўзаро қариндош бўладилар. Алоуддин Косоний бир неча асарлар муаллифи бўлиб, аксарияти бизнинг давримизгача етиб келмаган. Уларнинг айримлари фикҳий асарлардир: «*Бадойи санойи фи тартиб шароий*», «*Султон мубин фи усул дин*» («Усул илмининг аниқ мезони»). Манбаларда унинг Қуръонга ҳам тафсир ёзгани ҳақида хабар берилса-да, бу асар бизгача етиб келмаган.

Илмий изланишлар натижасида Косонийнинг унчалик машҳур бўлмаган бир асари «*Эътиқод Косоний*» («Косоний эътиқодига оид рисола») ёки яна бир номи — «*Муътамад фи муътақод*»ни топишга муяссар бўлдик. Ушбу асар Париж миллий кутубхонасида 825/3 инв. рақами остида сақланади. Умумий ҳажми 4 варақдан иборат (322^а—325^б). Асар ҳажм жиҳатидан кичик бўлса-да, мотуридийа калом мактаби ҳақида қимматли маълумотлар беради. Муаллиф асарида асосан калом масалаларига тўхталиб, уни ўз изоҳлари билан бойитади. Косоний ҳар бир калом масаласига Мотуридий қандай ёндашганлигини кўрсатиб, сўнгра ўзининг изоҳини келтиради. Ушбу асар муаллиф кўчиб ўтган Сурияда кенг тарқалди.

Алоуддин Косоний қолдирган илмий меросни тадқиқ қилиш олим яшаган даврдаги Мовароуннаҳр калом тарихи, ҳанафийа мазҳабининг мавқеи ва илмий муҳит ҳақида янада чуқурроқ маълумотлар олиш имконини беради.

«*Китоб усул дин*» асарининг соҳиби Абу Юсур Муҳаммад Паздавий ҳам мотуридийлардан ҳисобланади. У ҳам ўз асарида Мотуридийга нафақат «*шайх*», балки «*Раъис аҳл сунна ва-л жамоа*» деб ҳам таъриф берган. Унинг асарларидан ҳам кўриш мумкинки, кейинги асрларда ҳам Мотуридий ва унинг калом мактаби ўз мавқеини йўқотмаган.

Ислом дунёсида машҳур олимлардан яна бири тарихнавис, географ ва фақиҳ, мутакаллим олим Нажмиддин Абу Ҳафс Умар Насафий Мотуридийдир. У ҳам мотуридийа калом мактабининг йирик намояндаларидан ҳисобланади.

Абу Ҳафс Насафий Самарқанд калом мактаби тарихини шу мазҳаб таълимоти билан узлуксиз боғлиқлигини эътироф этади. У Абу Ҳанифадан бошлаб, Муҳаммад ибн Ҳасан (Шайбоний) орқали, турли йўллар билан Мотуридийга ва унинг замонига улайди. Мотуридийнинг машҳурлигини ўша замондаги бошқа каломчилар қаторида эътироф этади. Уни ҳанафийлик мазҳаби таълимотининг жуда зўр билимдони эканлигини таъкидлайди, охир-оқибатда у, самарқандлик кишини (яъни, Мотуридийни) маъқуллаганлиги билан ҳам фахрланади.

Абу Ҳафс Насафий мотуридийа калом мактаби таълимоти асосида «*Ақоид Насафий*» номли ислом эътиқодларига бағишланган асар ёзган. Европалик тадқиқотчи В. Куретон XIX асрнинг биринчи ярмида ўзининг «*Суннийлар диний таълимотининг устуни*» номли тадқиқотини мазкур асарга бағишлайди. Асар Шарқда кенг тарқалган, мадрасаларда ўқув қўлланма сифатида ўқитилган. Ҳар бир талаба ушбу рисола матни билан ёддан таниш бўлган. Чунки рисола у қадар катта ҳажмда бўлмаган, хат тури ва китоб ҳажмига кўра уч, беш, етти варақлар атрофида бўлган. Шунинг учун бўлса керак, ЎзР ФА ШИ фондида юздан ортиқ нусхалари мавжуд. Агарда Насафийнинг ушбу асари қайси йилларда кўпроқ кўчирилгани аниқланса, муҳим маълумотни қўлга киритиш имкони туғилади. Айтиб ўтиш керакки, У. Рудольф ўз монографиясида «*Ақоид Насафий*» муаллиф яшаган даврдан анча кейин яратилганлигини таъкидлайди. Биз эса текшириб кўриб, асар айти Абу Ҳафс Насафий қаламига мансуб эканлигини аниқлашга эришдик. Абу Ҳафс Насафий

ЎЗР ФА ШИ фондида 1462 инв. рақами остида сақланаётган «*Матлаъи нуҷум ва маҷма улум*» асарлари тўпламида Абу Ҳафс «*Ақоид Насафий*» асарини биринчи ўринда имло қилган.

Абу Ҳафс ҳадис илмида ҳам шуҳрат қозонган. У Абу Али Ҳасан ибн Абдул Малик ибн Али ибн Мусо ибн Исрофил Насафий (XI—XII), Умар ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Шабибий Дизакий (ваф. 1117—1118), Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад Нофила (ваф. 1109—1110) каби замонасининг илғор муҳаддисларидан сабоқ олган. Абу Ҳафс Насафий Самарқанддаги «Дорул жузжонийа» номли илм даргоҳида самарали фаолият олиб борди ҳамда «*Китоб қанд фи маърифат уламо Самарқанд*» номли Самарқанд ҳадис мактабида кечган жараёнларни ўзида тўла акс эттирган деярли ягона манбанинг муаллифи ҳисобланади. Бу манба тадқиқотчилар учун янги, муҳим маълумотлар бериши билан жуда аҳамиятлидир.

Абу Ҳафснинг худди шу асарига ёндош равишда, ашъарийа калом мактаби таълимотига суяниб, кечроқ қози Адуаддин Абдурахмон (ваф. 1355) ўзининг «*Ақоид Адудийа*» («Адуаддин эътиқод китоби») асарини яратади. У ҳам калом илмига бағишланган бўлиб, матнни «*Ақоид Насафий*»га таққослайдиган бўлсак, тахминан бир ҳажмда бўлиб, ҳатто ўзбек тилидаги таржимаси ҳам мавжуд.

Мотуридийа калом мактабининг яна бир йирик вакили Нураддин Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Аби Бакр Собуний Бухорий (ваф. 1184) бўлиб, XII асрда шуҳрат қозонди. Собуний Мотуридий таълимоти асосида қатор илмий асарлар ёзган. Унинг китоблари мотуридийа ақидасини ёйиш, унинг мураккаб томонларини шарҳлашга бағишланган.

Сирожиддин Али ибн Усмон Ўший (ваф. 1173) ҳам мотуридийа таълимотидан баҳраманд бўлган олимлардан ҳисобланади. У фақиҳ, мутакаллим, адиб сифатида танилган, афсуски, унинг ҳаёти ва фаолияти борасида маълумотлар жуда кам. Ўшийнинг бир неча асарлари бизгача етиб келган бўлиб, улар: «*Фатовойи Сирожийа*» («Сирожийнинг фатво тўпламлари»), «*Қурар ахбор ва дураар ашъор*» («Хабарларнинг дастлабкиси ва шеърларнинг

жавҳари»), «*Бад амолий*» («Амолий асарларига кириш») кабилардир.

Ўшийнинг «*Бад амолий*» асари шеърӣ услубда ёзилган бўлиб, асосан ислом ақидаси (илми калом)га бағишланган. Мазкур асарга уч марта шарҳ ёзилган. Шунингдек, асар форс ва ўзбек тилларига таржима қилинган бўлиб, мадрасаларда талабаларга ёдлатилган. Чунки калом илмига оид асарларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш Мовароуннаҳр калом мактабини ўрганишда муҳим маълумотларни берган.

Тадқиқотлар натижасида эришилган маълумотлардан яна бири Мотуридий наслидан етишиб чиққан йирик фақиҳ олимни аниқлаганимиз бўлди. Мазкур фақиҳ Мотуридий авлодидан бўлган Абу Ҳасан Мотуридийдир. У ҳақидаги дастлабки ва муҳим маълумотлар Абу Ҳафс Насафийнинг машҳур «*Китоб қанд фи зикри уламо Самарқанд*» асарида учрайди.

Калом мактаби ривожига кейинги асрларда ҳам мовароуннаҳрлик кўплаб олимлар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Улардан бири Саъдаддин Масъуд ибн Умар Тафтазонийдир. Тафтазоний нисбаси билан машҳур бу олим Хуросоннинг Нисо шаҳри яқинидаги Тафтазон қишлоғида 1322 йилда таваллуд топган. Кўп умри Самарқандда ўтиб, Сарҳас мадрасасида мударрислик қилган. Амир Темур ҳузурида катта ҳурмат ва обрў қозонган. Тафтазоний 1390 йилда (ҳижрий 792 йилнинг бошларида) вафот этади. Олимнинг Хоразмда яшаганлиги ва у ерда ўзининг икки асарини ёзганлиги маълум. Бу олимнинг «*Шарҳ ақоид Насафий*» («Насафий ақоидига шарҳ») номли асари мавжуд. Асар 1367 йили апрель ойида Хоразмда ёзиб тугалланган. Олим ўз асарида Мовароуннаҳрдаги ҳамма ҳанафийлик мазҳабидаги олимларни Мотуридий номи билан боғлар экан, мотуридийа мактабининг аъзолари кўп бўлмаса ҳам бу оқим аҳли суннанинг энг мукаммал, энг кучли калом оқими бўлганини эътироф этади. Ушбу шарҳда Тафтазоний мотуридийа ва ашъарийа таълимотларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилади. Асарнинг аниқ далиллар билан бойитилиши бу икки таълимотда янги давр бошланишига сабаб бўлди. Бу энг машҳур шарҳлардан ҳисобланиб, мактаб ва малрасаларда кенг кўламда ўқитилган. Калом мактабини Мотуридийга боғлаб, мотуридийа таълимоти вужудга кел-

ганлигини таъкидлайди. Бу шарҳга кейинчалик бир неча олимлар ҳошиялар ёзганлар. Аштархонийлардан Субҳонқулихон (1680—1702) даврига келиб, номаълум таржимон томонидан форс тилига таржима қилинган. Бу эса мотуридийа калом мактабининг кейинги даврларда ҳам давом этиб келганлигини кўрсатади.

Тафтазоний калом, мантиқ илмларини, шу билан бирга, мотуридийа каломини ҳам жуда мукаммал ўрганган. Шу боис ҳам унинг кўпгина асарлари шу мавзуда ёзилган. Насафийнинг «*Ақоид Насафий*» асарига шарҳ ёзиш билан чекланмаган. Унинг «*Таҳзиб мантиқ ва калом*» асари ҳам машҳур бўлиб, Тафтазоний бу асарида калом ва мантиқ илмига танқидий таъриф бериб ўтади. Бу эса олимга жуда катта обрў-эътибор келтиради. Чунки ўша даврларда ислом оламида калом ва мантиқ илми жуда мураккаб масалалардан бири бўлгани аниқдир. Лекин Тафтазоний бу борада асосан мотуридийа калом таълимотига суянганлигини англаш қийин эмас. Тафтазонийнинг «*Таҳзиб мантиқ ва ал-калом*» асарига кўплаб олимлар шарҳ ва ҳошиялар ёзганлиги диққатни жалб этади. Улардан бири Тафтазонийнинг набираси Аҳмад ибн Яҳё ибн Муҳаммад ибн Саъад Тафтазоний бўлиб, у шарҳни 882/1477—1478 йилларда ёзган. Улардан яна бири Жалолиддин Муҳаммад ибн Асъад Даввоний (ваф. 1501) бўлиб, у Тафтазонийнинг асарига «*Шарҳ тазҳиб мантиқ ва калом Даввоний*» номли шарҳини биттган. «*Шарҳ таҳзиб мантиқ*» асарини эса Исомуддин номи билан машҳур бўлган Иброҳим ибн Муҳаммад Арабшоҳ Исфороъиний (ваф. 1537) ёзган. Ниҳоят, яна бир шарҳ «*Таҳзиб фи шарҳ таҳзиб (мантиқ)*» деб номланиб, Али ибн Тож Туний қаламига мансубдир. Кўринадики, мотуридийа калом мактаби XIV асрларга келиб ҳам ўз мавқеини йўқотмаган. Яна шуни айтиб ўтиш муҳимки, «*Ақоид Насафий*» XIX аср охири ва XX аср бошларида ҳам Марказий Осиёдаги мадрасаларда ўқитилган. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган ушбу асарнинг юзлаб нусхалари бунга далил бўла олади.

Мотуридийа калом мактабининг ривожига ҳисса қўшганлар қаторига Хожа Муҳаммад Порсони (ваф. 1420) ҳам қўшиш мумкин. Хожа Порсо умрининг сўнгги йилларигача ҳанафийлик фикҳи билан шуғулланган. Бунга унинг шогирди Илёс ибн Яҳё ибн Ҳамза Румийга 21 шаъбон 821/1418 йил 23 сентябрда Бухорода ҳанафийа фикҳи бўйича берган

ижозаси гувоҳлик бериши мумкин. Хожа Муҳаммад Порсо ҳам барча кейинги давр ҳанафийлари сингари ақида масаласида мотуридийа каломига суянаредди. У ўзининг 73 фирқа ҳақидаги *«Ҳафтад ва се фирқа»* рисоласида ҳадисдаги бирмунча ўзгаришларни келтиради: «Қиёмат куни (73 фирқадан) фақат биргина жамоа қутулиб қолади, нажот топади ва бу мотуридийлардир»,—дейди. Яна шуни айтиш мумкинки, у охириги иборада Абу Ҳанифанинг кейинги давр эпитетини: «Имом-и (Савад-и) Аъзам» («Савад-и Аъзам»—эргашувчи имом), деб кўрсатади.

Хожа Муҳаммад Порсо етук олим бўлиши билан бирга, бой кутубхонага ҳам эга бўлган. Юқорида айтиб ўтилганидек, Мотуридийнинг асарлари асосан шу кутубхонада сақланганлиги боис, бизнинг давримизга етиб келди. Яна шуни айтиб ўтиш даркорки, нафақат Мотуридий, балки бир қанча мотуридийларнинг асарлари ҳам мазкур кутубхонада сақланган. Хатто Порсонинг ўз асари ҳисобланган *«Фаслил хитоб би вусули аҳбоб»* («Дўстлар висолига етишда оқ ила қорани ажрагувчи китоб»)да ҳам Мотуридий номи зикр этилади. Шуни таъкидлаш керакки, Порсонинг ҳаёти ва фаолиятига олимларда қизиқиш ортиб бормоқда. Унинг машҳур кутубхонаси борасида бир нечта мақолалар ёзилган. Дарҳақиқат, Хожа Муҳаммад Порсо ислом билимларини назарий ўрганган ҳамда тасаввуф илмини назарий томонларини ёритишга ҳаракат қилган олимлардан ҳисобланади.

Нақшбандийа тариқатининг етук олимларидан Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифаси Якуб Чархий ҳам мотуридийа калом мактабига ҳурмат билан қараган олимлар қаторидан жой олган.

Якуб Чархий Қуръоннинг 91-сураси («Шамс») тафсирида қуёш ва ойнинг нури ҳақидаги оятни тафсирлар экан, турли тафсирчиларнинг фикрларини келтиради. У Замахшарийнинг *«Кашшоф ҳақоик танзил ва-уйун ақовил фил-вужух таъвил»* («Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзларнинг маъносини очиш») тафсирида ва Сайид Яманийнинг унга ёзилган *«Шарҳ кашшоф»* («Кашшофнинг шарҳи») асаридан ҳам фойдаланади. «Ой нурни Офтобдан олади», сўнг у Мотуридийга мурожаат қилиб: *«Шайх Абу Мансур Мотуридий ҳам эҳтимолки, шундай деган бўлса, дейди»*. Айтиш мумкинки, Якуб Чархий Мотуридийнинг

«*Китоб тавъилот*» асарига бевосита мурожаат этган ва ўзининг тафсирида фойдаланган.

Шу ўринда мутафаккир Алишер Навоийга (ваф. 1501) ҳам тўхталиш жоиз. У ўзининг «*Насойим ул-муҳаббат*» асарида Абу Мансур Мотуридийни бебаҳо сифатлар билан «оламшумул аллома», деб тасвирлайди.

Бухоролик машҳур адабиётчи ва тарихчи Муҳаммад Шариф Садр Зиё (ваф. 1932) ҳам ўз асарларида Мотуридий номини тилга олади. Бухорода қозикалон вазифасида ишлаган Садр Зиё бир неча асарлар муаллифидир. У ўзининг «*Исми мадориси дахлҳу Бухоро*» («Бухоро даҳаларидаги мадрасалар исми») асарида Мотуридийнинг вафот этган йили, қабри, шунингдек, бошқа маълумотларни баён этади.

XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб техника тараққиётида катта оламшумул янгиликлар ихтиро этила бошланди. Секин-аста қўлёзма асарларни кўчириш камайиб, ўрнига қулай ва осон йўллар билан ишлайдиган босмахоналар кўпайди. Демакки, ўз-ўзидан тошбосма асарларни нашр этиш кўпайиб борди. Шу усулда босилган асарлардан бири Абу Узбанинг «*Равда баҳийя фи ма байна ашъарийя ва мотуридийя*» («Мотуридийя ва ашъарийя ўртасидаги кўркем боғ хусусида») номли асаридир. Шунга ўхшаш А. Шайх Зоданинг «*Китоб назим фараъийд ва-л-жамъа фаваъид фи байна масаъил аллати вақаъа фиҳа ихтилоф байна-л-мотуридийя ва-л-ашъарийя*» («Мотуридийя ва ашъарийя ўртасида ақоид бўйича юзага келган ихтилофий масалалар баёни хусусида фойдали тўпламлар ва яккаю ягона «нарсалар» назми») асари ҳам мавжуд. Асарнинг мавзуси унинг номидан ҳам кўриниб турибди.

Мотуридий ва унинг илмий меросини ўрганишда ҳал этилмаган талай масала ва муаммолар мавжуд. Бутун дунё мусулмонлари орасида бу калом мактаби ҳақида қандай маълумотлар бор ва ҳозирги кунда қай аҳволда, аҳамияти қай даражада каби саволларни ечиш мотуридийя таълимотининг асл моҳиятини англашда муҳим омил бўла олади. Бинобарин, ҳали ечимини кутаётган қатор саволларга жавоб топиш орқали ислом оламининг ўтмиш тарихида ўчмас из қолдирган калом мактабининг илмий ва ижодий меросини изчил ўрганиш, уни кенг илмий жамоатчилик ва халқимизга танитиш билан мотуридийя калом таълимотини тарғиб қилишда асосий қадам қўйилган бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Мансур Мотуридий. «Китоб ат-тавҳид». Бекир Тўпалу ўғли ва Муҳаммад Аручи нашри. Анқара, 2003.
2. Абу Мансур Мотуридий. «Китоб таъвилот». Илмий нашрга док. Артигул Бойтукалин тайёрлаган, илмий муҳаррир проф. док. Бекир Тўпалу ўғли. 1—7 жилд. Истанбул. «Дор-ул мезон». 2008—2009.
3. Абу Тоҳиркожа. Самария // Мерос.— Т.: Камалак, 1991.
4. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий. Қанд фи зикр уламо Самарқанд — Саудия Арабистони: Мактабат Кавсар, 1991.
5. Кандия малая / Перевод краткой редакции на персидском языке арабского труда Абу Хафса Наджмеддина Умара бин Мухаммед Насафи Самарканди. Предисловие и примечания переводчика В.Л. Вяткина // Справочная книжка Самаркандской области. — Вып. 4 — Самарканд. — 1896.
6. Абдуҳалимов Б. «Байт ал-ҳикма ва Ўрта осийлик олимларнинг Бағдосдаги фаолияти» —Т.: 2004.
7. Абдуллаев И., Ҳикматуллаев Ҳ. Самарқандлик олимлар. — Т.: Фан, 1969.
8. Баҳодиров Р.М. Абу Абдуллоҳ Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. — Т.: Ўзбекистон, 1995.
9. Зиёдов Ш. Мотуридий ҳаёти ва мероси. — Т.: А. Қодирӣ, — 2000.
10. Зоҳидий Абдулқодир. Мотуридий ва калом таълимоти // Фан ва турмуш. — 1997. № 6.
11. Ислам. Энциклопедический словарь /отв. ред. С.М. Прозоров. — М.: Наука, 1991.
12. Мўминов А. Имом Аъзам Абу Ҳанифа // Мулоқот. — 1994. № 7-8.
13. Рудольф У. Матуриди и суннитская теология в Самарканде. Алматы: Фонд «XXI век», 1999.

МУНДАРИЖА

Абу Мансур Мотуридий ҳаёти	3
Мотуридийа таълимоти	8
Абу Мансур Мотуридий асарлари	17
Мотуридийа калом мактаби ва унинг диний-маънавий ҳаётга таъсири	23
Адабиётлар рўйхати	38

Зиёдов, Шовосил

Абу Мансур Мотуридий//Ш. Зиёдов – Т.:
«O‘zbekiston» НМИУ, 2011. – 40 б.

ISBN 978-9943-01-704-7

УДК: 821.512.133(092) Абу Мансур Мотуридий
ББК 63.3(5У)4+86.38

Илмий-оммабон нашр

ШОВОСИЛ ЗИЁДОВ

АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ

Муҳаррир *Ф. Норматов*

Рассом *А. Якубжанов*

Бадий муҳаррир *Ҳ. Меҳмонов*

Техник муҳаррир *У. Ким*

Мусахҳиҳ *Г. Азизова*

Компьютерда саҳифаловчи *Б. Душанова*

Нашриёт лицензияси АИ 158.14.08.09. Босишга 28.12.2011 да
рухсат этилди. Бичими 84×108 ¹/₃₂. Офсет қоғози. Таймс
гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма
табоғи 2,1. Нашр табоғи 2,03. Адади 3000 нусха.

Буюртма № 11-160.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: iptduzbekistan@mail.ru

www.iptd-uzbekistan.uz

7560c



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-704-7



9 789943 017047